

# Халқ сўзи



1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2012 йил 11 апрель, № 70 (5490)

Чоршанба

## Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

### «Кредит ахбороти алмашинуви тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2012 йил 29 февралда қабул қилинган  
Сенат томонидан 2012 йил 23 мартда маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги 154-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 247-модда; 1998 йил, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 5, 124-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 9, 496-модда; 2007 йил, № 12, 608-модда; 2009 йил, № 4, 133-модда; № 9, 330, 337-моддалар, № 12, 470-модда) қуйидаги ўзгаришлар ва қўшимча киритилсин:

1) **3-модда иккинчи қисмининг тўртинчи хатбошисидаги** «ва гаровхоналар» ҳамда «ва гаровхоналари» деган сўзлар тегишична «ломбардлар ва кредит бюрolari» ҳамда «ломбардлар ва кредит бюрolari» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **17-модданинг:**  
**еттинчи хатбошиси ўзбекча матнидаги** «гаровхоналар» деган сўз «ломбардлар» деган сўз билан алмаштирилсин;

**саккизинчи хатбошисидаги** «ва гаровхоналар» деган сўзлар «ломбардлар ва кредит бюрolari» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **VIII бўлимнинг номидagi** «ва гаровхоналар» деган сўзлар «ломбардлар ва кредит бюрolari» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4) **50-модданинг:**  
**номи ва биринчи қисмидаги** «ва гаровхоналар» деган сўзлар «ломбардлар ва кредит бюрolari» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**иккинчи қисмидаги** «банклар» ва «гаровхоналар» деган сўзлар тегишична «банклар, кредит бюрolari» ва «ломбардлар, кредит бюрolari» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**унинчи қисми** «Банклар» деган сўзлардан кейин «кредит бюрolari» деган сўзлар билан тўлдирилсин, **ўзбекча матнидаги** «гаровхоналарга» деган сўз эса «ломбардларга» деган сўз билан алмаштирилсин;

**тўртинчи қисмидаги** «гаровхоналарга» деган сўз «ломбардлар, кредит бюрolariга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

5) **51-модда:**  
**биринчи қисмининг тўртинчи хатбошисидаги** «гаровхоналар» деган сўз «ломбардлар ва кредит бюрolari» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**иккинчи қисмининг:**  
**иккинчи хатбошисидаги** «ва гаровхоналарнинг» деган сўзлар «ломбардлар ва кредит бюрolariнинг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

(Давоми 2-бетда).

## Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

### Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2012 йил 20 январда қабул қилинган  
Сенат томонидан 2012 йил 23 мартда маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган 163-сонли ва 1996 йил 29 августда қабул қилинган 256-сонли қонунлари билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, 2-сонга илова, № 11-12; 1997 йил, № 2, 56-модда; № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 9, 229-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 182-модда; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 4, 154-модда, № 9, 494, 498-моддалар; 2007 йил, № 1, 3, 5-моддалар, № 4, 156, 164-моддалар, № 8, 367-модда, № 9, 416-модда, № 12, 598, 608-моддалар; 2008 йил, № 4, 192-модда, № 12, 640-модда; 2009 йил, № 9, 337-модда; 2010 йил, № 9, 335, 337, 340-моддалар; 2011 йил, № 12/2, 363, 364, 365-моддалар) **1173-моддасининг матнидаги** «расмийлаштирилган тақдирда» деган сўзлар «легаллаштирилган ёки апиостил қўйилган тақдирда» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

(Давоми 2-бетда).

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

### Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилишини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

Қайд этиш жоизки, мустақиллик йилларида Ўзбекистонда қўлай инвестициявий муҳит шакллантирилди, хорижий инвесторларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича қонун йўли билан кенг қўламдаги имтиёзлар, афзалликлар ва кафолатлар тизими белгиланди.

Натижада республикада иқтисодиётнинг етакчи тармоқлари ва соҳаларида хорижий инвестициялар иштирокида 4,2 мингтадан кўпроқ корхона ташкил қилинди ва муваффақиятли фаолият юритмоқда. Ҳар йили 3,0 миллиарддан кўпроқ асосан тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ўзлаштирилмоқда, мамлакат иқтисодиётига киритилаётган инвестиция умумий ҳажмининг 26,6 фоиздан кўпроги уларнинг ҳиссасига тўғри келади. Бу эса хорижий инвесторларнинг республика иқтисодиёти барқарорлиги ва ишқилиш-пўхталиги, уни ривожлантириш истиқболларига қизиқиши ҳамда ишончи ортиб бораётганидан яққол далолат беради.

Шу билан бирга, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози давом этаётганилиги, жаҳон ва минтақавий инвестиция бозорларида рақобат кучайиб бораётганилиги мамлакатда яна ҳам қўлайроқ инвестиция муҳитини яратиш, ишлаб чиқаришларни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш учун хорижий инвестициялар жалб этилишини рағбатлантириш, шунингдек, хорижий инвесторлар билан ишлашдаги мавжуд бюрократик говлар ва тўсиқларни бартараф этиш, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар фаолиятига давлат ва назорат идоралари томонидан ноқонуний аралашувларга йўл қўймаслик борасида қўшимча чора-тадбирлар қабул қилинишни тақозо этмоқда.

Юқори технологияли ишлаб чиқаришларни ривожлантиришга тўғридан-тўғри қўйилмалар киритаётган хорижий инвесторлар учун максимал даражада қўлай инвестиция муҳитини яратиш, республика минтақаларига хорижий сармоялар ва замонавий технологиялар жалб этилишини рағбатлантирилишини кучайтириш, хорижий инвесторлар ҳамда хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар учун кенг қўламдаги кафолатлар, имтиёзлар ва афзалликлар тизими яратилган.

1. Маълумот учун қабул қилинсинки, республика қонунчилиги томонидан 1-иловага мувофиқ хорижий инвесторлар ҳамда хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар учун кенг қўламдаги кафолатлар, имтиёзлар ва афзалликлар тизими яратилган.

2. Белгилаб қўйилсинки, хорижий инвесторнинг пул шаклидаги улуши 5 миллион АҚШ долларидан кам бўлмаган янгидан ташкил этилаётган хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар давлат рўйхатидан ўтган санадан бошлаб 10 йил мобайнида солиқ қонунчилигида ўзгаришлар юз берган ҳолларда, юридик шахслардан олинмаган фойда солиғи, қўйилган қиймат солиғи (товарлар, ишлар, хизматлари реализация қилиш айланмаси), мол-мулк солиғи, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи, ягона ижтимоий тўлов, ягона солиқ тўлови, шунингдек, Республика йўл жамғармасига ҳамда Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъбиоркратик говлар ва тўсиқларни бартараф этиш, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар фаолиятига давлат ва назорат идоралари томонидан ноқонуний аралашувларга йўл қўймаслик борасида қўшимча чора-тадбирлар қабул қилинишни тақозо этмоқда.

3. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ қиймати 50 миллион АҚШ долларидан ошадиган ва хорижий инвесторнинг улуши камида 50

фоиз бўлган инвестиция лойиҳалари доирасида, ишлаб чиқариш майдонидан ташқарида зарур ташқи муҳандислик-коммуникация тармоқларини қуриш бюджет маблағлари ҳамда бошқа ички молиялаштириш манбалари ҳисобидан амалга оширилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишнинг рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2005 йил 11 апрелдаги ПФ-3594-сон Фармони билан белгиланган солиқ имтиёзлари 2012 йилнинг II чорагидан бошлаб:

2-иловага мувофиқ, иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларида фаолият юритаётган;

Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти истисно этилган ҳолда, республиканинг барча минтақаларида жойлаштирилган хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналарга таъбиқ этилсин.

5. Вазирликлар, идоралар, маҳаллий давлат органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат идоралари, тижорат банклари томонидан хорижий инвесторлар ҳамда хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг ҳуқуқ ва кафолатларини ҳимоя қилиш бўйича амалдаги қонун ҳужжатларига барча давлат ва ҳужжалик бошқаруви органлари сўзсиз ривоя этишлари устидан қаттиқ назорат ўрнатсин ҳамда қонунчилик бузилишининг олдини олиш ва айбдор мансабдор шахсларни жавобгарликка тортиш бўйича таъсирчан чоралар кўрсин.

6. Давлат мулкни хорижий инвесторларга сотишда тендер (танлов) савдоларини ўтказиш бўйича Давлат комиссиясига (Р.С. Азимов) хорижий инвесторларнинг бюртманомалари бўйича хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни барпо этиш учун маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг балансида бўлган паст ликвидли объектларни аниқ инвестиция мажбурияти остида инвестор билан тўғридан-тўғри шартнома билан қириш визалари ҳамда кўп марталик визалар расмийлаштирилишини таъминласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишнинг рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2005 йил 11 апрелдаги ПФ-3594-сон Фармонида 2-иловага мувофиқ ўзгариш ва қўшимчалар киритилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Иқтисодиёт ва вазирлиги, Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси, Марказий банкни жалб этган ҳолда хорижий инвесторларга ўзларининг инвестиция фаолиятини амалга оширишлари учун Давлат бюджетини ва унинг ижроси, пул-кредит сиёсати, ташқи савдо ҳамда бошқа кўрсаткичларни ҳисобга олган ҳолда зарур бўлган иқтисодий ахборотлардан тизимли асосда белгиланган тартибда кенг фойдаланиш имкониятларини таъминласин.

9. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги билан биргаликда хорижий инвесторлар ҳамда хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар учун берилган кафолатлар, имтиёзлар ва афзалликларга доир қонун ҳужжатларининг амалда рўйбга чиқарилиши юзасидан тизимли мониторинг ўрнатсин ҳамда берилмаётган имтиёзлар ва афзалликларга вазирликлар, идоралар ва бошқа ижрочилар томонидан ривоя этилмағлиги ҳолатлари бўйича Вазирлар Маҳкамасига ҳар чорақда ахборот киритиб бориши.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишнинг рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2005 йил 11 апрелдаги ПФ-3594-сон Фармонида 2-иловага мувофиқ ўзгариш ва қўшимчалар киритилсин.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги Адлия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой мuddатда қонун ҳужжатларига ўзгаришлар қилиш чеклигидаги ахборотлар билан қўшимчалар киритилсин.

11. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Тошкент шаҳри,  
2012 йил 10 апрель

И. КАРИМОВ

## Самарали фаолият ва тараққиёт

Кеча пойтахтимиздаги «Ўзқўрғазмасавдо» ярмарка-савдо марказида банк хизматлари, ускуналари ва технологиялари «BankExpo — 2012» миллий кўрғазмаси бошланди. У Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилди.

### «BankExpo — 2012»



Тадбирнинг очилиш маросимида таъкидланганидек, мамлакатимизда изчил амалга оширилаётган ислохотлар туфайли банк-молия тизимида улкан ижобий ўзгаришлар юз бермоқда. Сўнгги йилларда республикамиз иқтисодиётида, хусусан,

банк тизимида қўлга киритилаётган ютуқлар бир қатор нуфузли халқаро таш-

килотларнинг юксак баҳосини олаётгани бунинг тасдиғидир. Жумладан, «Стандарт энд Пурс», «Фитч Рейтингс», «Мудис» сингари халқаро рейтинг агентликлари юртимиз банк тизимига икки йилдан буён «барқарор» рейтинг даражасини бермоқда.

Албатта, банкларнинг фаолиятини кенгайтириш, кўрсатилаётган хизматлар сифатини ошириш, ўзаро ишонч ва ҳамкорлик алоқаларини янада яхшилашда замонавий технологияларнинг ўрни беқарор. Бу борадаги ишларни ривожлантиришда эса Президентимизнинг 2010 йил 26 ноябрдаги «2011 — 2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислох қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги қарори асосида ташкил қилинган кўрғазма муҳим аҳамият касб этади. Зеро, ундан кўзланган асосий мақсад банк тизимининг бугунги ҳолати, истиқболли режалари, кредитлар ажратиш шартлари, банкларнинг молиявий ва бошқа ресурслар билан таъминланганлик даражаси тўғрисида жамоатчиликни хабардор қилишдан иборатдир.

(Давоми 2-бетда).

### Биз ва жаҳон

Ўзбекистон Республикаси ва Испания Қироллиги ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилганининг 20 йиллиги муносабати билан Мадриддаги «Интерконтинентал» меҳмонхонасида қабул маросими бўлиб ўтди.

### Мадридда бўлиб ўтган қабул маросими муҳим санага бағишланди

Тадбирда Испаниянинг сиёсий, эксперт, иқтисодий ва маданий-гуманитар доиралари, мамлакат жамоатчилиги вакиллари, БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилоти (ЮНВОТ) раҳбарияти, Мадрида акредитациядан ўтган хорижий давлатлар дипломатия миссияларининг раҳбарлари ва ходимлари ҳозир бўдиллар.

Қабул маросими иштирокчиларни қутлар экан, мамлакатимизнинг Испаниядаги элчиси Ўзбекистон — Испания ҳамкорлигининг тарихи, бугунги ҳолати ва икки мамлакат ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилгандан буён ўтган давр мобайнида эришилган натижалар хусусида атрофлича тўхталиди.

(Давоми 2-бетда).

### Солиқ тўловчилар учун интерактив хизматлар

Мамлакатимизда кейинги йилларда ахборот-коммуникация технологиялари жадал суръатларда ривожланиб, ижтимоий-иқтисодий ҳаётимизга тобора чуқурроқ кириб бораёпти. Улар, айниқса, давлат органлари фаолиятига изчил таъбиқ этилаётгани аҳолига кўплаб қўлайликларни яратмоқда. Сабаби, янги дастурий махсуслар интерактив хизматлар кўрсатиш қўламини кенгайтириш, уларнинг сифатини яхшилаш, энг асосийси, қимматли вақтни тежаш имконини бераёпти. Шу боис ахборот-коммуникациянинг илғор ютуқларини барча соҳа ва тармоқларга жорий этиш масаласига жиддий эътибор қаратилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

### Анжуман

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Истеъдод» жамғармасида «АҚШда тиббий фанларнинг ўқитилиши (Мичиган давлат университети мисолида) ва соғлиқни сақлаш тизимидаги глобал муаммолар» мавзусида видеомулукот бўлиб ўтди.

### ҲАМКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва «Истеъдод» жамғармаси ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу тадбирда соғлиқни сақлаш соҳасида фаолият кўрсатаётган ташкилот ва идоралар вакиллари, олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари, олим ва мутахассислар қатнашди.

«Истеъдод» жамғармаси Кадрлар тайёрлаш миллий дастури талабларига мувофиқ мамлакатимизнинг узлуксиз таълим тизими ва фан-техника соҳасидаги илмий тадқиқот ва педагогик фаолиятнинг устувор ҳамда истиқболли йўналишларини жаҳондаги илғор технология ва фан ютуқлари асосида ривожлантиришга, ёш педагог ва илмий кадрлар малласини оширишга ҳамда таъбиқлаш тизимини тақомиллаштиришга, уларнинг истеъдодини рўйбга чиқариш ва юксалтиришга фаол ҳисса қўлиб келмоқда.

Мазкур жамғарма жаҳоннинг бир қатор илғор таълим ҳамда илмий муассасалари билан малака ошириш ва таъбиқлаш амалии ҳамкорлик қилиб келаётир. Хусусан, Америка Қўшма Штатларининг Мичиган давлат университети билан яқин ҳамкорлик ўрнатган.

(Давоми 3-бетда).







# Юрт осойишталигини асраб-авайлаш – муқаддас бурч

Тинчлик — улуг неъмат. Қайси мамлакатда барқарорлик ва хотирванлик ҳукм сурса, ўша юртда тараққиёт ва эл фаровонлиги жадал юксалади.

## Тадбир



Айтиш жоизки, мустақилликнинг илк йилларидан бошлаб мамлакатимизда тинчлик, осойишталиқни таъминлаш, хавфсизликни мустақамлашга қаратилган кенг қўламли ислохотлар олиб борилди. Хусусан, республика ички ишлар тизимида амалга оширилган чора-тадбирлар бу борада катта аҳамият касб этди.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги академиясида малака оширган профилактика инспекторларига сертификатлар топшириш маросимида мана шулар алоҳида қайд этилди.

ва юридик таъминлаш бошқармаси матбуот бўлими бош инспектори, подполковник Жавлон Раҳимов. — Утказилган ислохотлар натижасида эса бу борадаги кўрсаткич Тошкент шаҳрида 2,5—3 минг, бошқа ҳудудларда эса 4,5—5 минг нафарни ташкил этди. Умуман олганда, ички ишлар идораларининг энг куйи бўғинида моҳиятан бутунлай янги — халқчил профилактик тизим яратилди.

Тадбирда таъкидланганидек, ҳозир мамлакатимизда 3558 та милиция таянч пункти бўлиб, улар фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари фаоллари билан ҳамкорликда ҳудудларда ижтимоий-иқтисодий, маданий-مائийш ва спорт инфратузилмасини янада тараққий эттиришга ҳисса қўшиб келмоқда. Жумладан, бугун республикамиздаги маҳаллаларнинг аксариятида турли тўғараклар, кичик бизнес шохобчалари, спорт майдончалари самарали фаолият кўрсатиб келаётди. Энг асосийси, буларнинг барчаси маҳаллаларда ҳуқуқбузарлик ҳамда жиноятчиликлар сони кескин қайташмишга хизмат қилмоқда. 2011 йилда 2 минг 254 маҳаллада бирорта ҳам жиноят содир этилмагани бунга яна бир мисол бўла олади.

— Ички ишлар вазирлиги академиясида бир ой давомида билим ва малакани ошириш, ҳамкабларимиз билан таъриба алмашиш, — дейди Башиқчи тумани ички ишлар бўлими профилактика инспектори, катта лейтенант Бахтиёр Қўзиёв. — Бу ерда барча касбий, жанговар, жисмоний, ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий, психологик ва тиббий тайёргарлик машғулотларида қатнашиб, пухта билим олиш ҳамда кўникмаларни такомиллаштириш учун зарур шарт-шароитлар яратиб берилган.

Тадбирда 600 нафар профилактика инспекторига сертификатлар топширилди. Айни пайтда ўқув-машғулотларда фаол иштирок этган 34 нафар инспектор вазирлик фахрий ёрлиги ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

**С. МАХСУМОВ,**  
«Халқ сўзи» мухбири.  
**Ш. ШАРАПОВ**  
олган сурат.

## Тошкент вилояти педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти қуйидаги вакант ўринларга танлов эълон қилади:

- Ижтимоий фанлар ва маънавият асослари кафедраси (тарих, ҳуқуқ, иқтисод, маънавият асослари):**
  - кафедра мудири, фан номзоди — 1 ўрин;
  - профессор, фан доктори — 1 ўрин;
  - доцент, фан номзоди — 1 ўрин;
  - катта ўқитувчи, фан номзоди — 3 ўрин.
- Педагогика, психология ва менежмент кафедраси (психология):**
  - профессор, фан доктори — 1 ўрин;
  - доцент, фан номзоди — 1 ўрин;
  - катта ўқитувчи — 3 ўрин.
- Табий ва аниқ фанлар кафедраси (география, кимё, математика-информатика, физика):**
  - доцент, фан номзоди — 2 ўрин;
  - катта ўқитувчи, фан номзоди — 3 ўрин;
  - катта ўқитувчи — 1 ўрин.
- Тил ва адабиёт таълими кафедраси (ўзбек, немис, инглиз ва рус тиллари):**
  - кафедра мудири, фан номзоди — 1 ўрин;
  - профессор, фан доктори — 1 ўрин;
  - доцент, фан номзоди — 2 ўрин;

Хужжатлар эълон чоп этилган кундан бошлаб 1 ой муддатда қабул қилинади. Манзил: Тошкент шаҳри, Яққасарой тумани, Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 64-уй. Кадрлар бўлими телефони: (8-371) 255-43-75.

## «КО'СНМАС МУЛК САВДО ХИЗМАТИ» МЧЖ

Бошлангич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

**Аукцион савдосига Миробод тумани СИБ томонидан, Тошкент шаҳар ҳўжалик сўдининг 2011 йил 27 сентябрдаги 10-0720(04)/14225-сонли ижро варақасига асосан, қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:**

- Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Тараққиёт кўчаси, 2-уйда жойлашган, «East Productions» МЧЖга тегишли, фойдаланиш майдони 6247 кв.м. бўлган оғборхона биноси.  
**Бошлангич баҳоси — 4 288 702 230 сўм.**
- Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Тараққиёт кўчаси, 2-уйда жойлашган, «Stone Express» МЧЖга тегишли, фойдаланиш майдони 1543 кв.м. бўлган ишлаб чиқариш биноси.  
**Бошлангич баҳоси — 1 041 552 397 сўм.**
- Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Бешёғоч мавзеси, 4-уй манзилдаги, «Stone Express» МЧЖга тегишли, умумий майдони 783 кв.м. бўлган, 9 қаватли уйнинг 1-қаватида жойлашган савдо дўкони.  
**Бошлангич баҳоси — 1 328 229 943 сўм.**

Аукцион савдоси 2012 йил 14 май куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

## «КО'СНМАС МУЛК САВДО ХИЗМАТИ» МЧЖ

**Сурхондарё вилояти филиали**

Бошлангич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига «Микрокредитбанк» ОАТБ бошқарувининг 2012 йил 27 мартдаги йиғилиши қарорига асосан, «Микрокредитбанк» ОАТБ Сурхондарё вилояти бошқармасига тегишли қуйидаги кўчмас мулклар: Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳри, А. Навоий кўчаси, 41-«А» уйда жойлашган, умумий майдони 3146,9 кв.м. бўлган А, Б, В, Г, а, б, в, г, д-литер (банк биноси, қўшимча бино, оғборхона, дохотхона, девор тўсиғи, темир панжарали тўсиқ девор, асфальт-бетон йўлак майдони ва 2 та темир дарвоза)лардан иборат банк бино-иншоотлари қўйилмоқда.

**Бошлангич баҳоси — 350 000 000 сўм.**

Аукцион савдоси 2012 йил 11 май куни соат 11.00 да савдо ташкилотчиси — «Ko'chmas mulk savdo xizmati»

Мазкур савдода қатнашиб истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закатат келишувига асосан, мулк бошлангич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закатат пулини савдо кунига қадар «КО'СНМАС МУЛК САВДО ХИЗМАТИ» МЧЖ Сурхондарё вилояти филиалининг ОАТБ «Савдогар» банки Мурабат филиали Термиз шаҳар минибанкидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204920609017, МФО: 00336, СТИР: 207122519. Телефон: (8-376) 227-57-94. Расмий сайтими: www.1kms.uz Лицензия: RR-0001.

(Давоми. Бошлангич 1-бетда).

Мазкур университет муҳандислик, иқтисодиёт, тиббиёт, қишлоқ ҳўжалиги ва журналистика йўналишлари бўйича АҚШдаги нуфузли таълим даргоҳларидан ҳисобланади. Анжуманда Мичиган давлат университети

## ҲАМКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ Йўлида

халқаро соғлиқни сақлаш институти директори, профессор Реза Нассири АҚШда тиббиёт фанларининг ўқитилиши ва соғлиқни сақлаш тизимидаги глобал муаммолар, тиббиёт, соғлиқни сақлаш ва фармакологияга бағишланган маърузалари билан иштирок этди.

Видеомуроқотда Тошкент, Андижон, Самарқанд, Бухоро, Нукус, Урганч, Фарғона шаҳарларидаги тиббиёт олий таълим муассасаларининг икки юз етмишдан ортиқ олим ва профессор-ўқитувчилари иштирок этиб, онлайн тизими орқали мулоқот қилиш имконига эга бўлдилар.

— Бугунги кунда мамлакатимизнинг барча олий таълим муассасасида видеоанжуман заллари мавжуд, — дейди «Истеъдод» жамғармаси қозидаги маъсоддан ўқитиш маркази директори Абдуқоҳур Абдуқодиров. — Интерактив усуллар асосида амалга ошириладиган малака оширишнинг онлайн тури кўплаб афзалликларга эга. Энг аввало, хорижда ўқиш учун сарфланадиган харажатлар миқдори камаюди, айни пайтда сифат даражаси сақланиб қолади.

Мадина УМАРОВА,  
ЎЗА МУХБИРИ.

# МАҲОРАТ БЕЛЛАШУВЛАРДА ТОВАЛНАДИ

— Спорт билан мунтазам шугулланиб келаётганим сабабли кўплаб мусобақаларда иштирок этиб, совриндор бўлганман, — дейди Чиноз туманидаги 15-мактабнинг 9-синф ўқувчиси Азизбек Асилхонов.

Азизбек ёшлигидан спортнинг кураш тури билан шугулланиб келади. Бунинг учун ўқитган таълим даргоҳида барча шарт-шароит яратилган. Ҳалабага бўлган қатъий иштиёқ, устоз ва мураббийларнинг йўл-йўриқлари ёш спортчини ўсмирликдаёқ тенгдошлари орасида мамлакат чемпионига айланишида катта роль ўйнади. У ҳадемай яна бир зафар наҳидасидан баҳра ола ажабмас. Гап шундаки, тез орада қаҳрамонимиз бир гуруҳ тенгдошлари билан бирга «Умид ниҳоллари — 2012» спорт ўйинлари республика босқичида ўз истеъдод ва маҳоратини синовдан ўтказди.

— «Умид ниҳоллари»нинг бу йилги саралаш беллашувларида вилоятдаги ўрта умумтаълим муассасаларида таҳсил олаётган 326 мингдан зиёд ўқувчи қатнашди,



— дейди вилоят Халқ таълими бошқармаси мудири Шухрат Раимов. — Уларнинг қарийб ярмини қизлар ташкил этди. Бу олдинги йилларга қараганда анча юқори кўрсаткичдир.

Тайёргарлик машғулотларида иштирок этаётган ёшлардан айримларини суҳбатга тортамиз. — Вилоятимиз терма жамоасига илк олтин медални ўзим олиб бераман, — дейди ёш атлетика бўйича ўсмирлар ўртасида Ўзбекистон ва халқаро миқёсдаги мусобақалар

совриндори, Ангрэн шаҳридаги 33-умумтаълим мактаби ўқувчиси Аббос Фарҳодов. — Бунинг учун ҳозир мураббийлардан керакли кўрсатмалар олиб, маҳоратимни ошираётман. Мақсадим жаҳон миқёсдаги мусобақаларда ҳам Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиш.

Аббос каби интилувчан, қатъиятли ёшларимизга жаҳон майдонлари сари кенг йўл очиб беришда мазкур спорт ўйинларининг ўрни ва аҳамияти беқиёсдир. Чунки уларда иштирок этишнинг ўзиёқ ёшларимизнинг иродасини тоблайти, ўзига бўлган ишончини юксалтиради. Шу боис уч босқичли спорт мусобақаларида чиникан ўғил-қизлар орасидан мамлакатимиз шанини халқаро майдонларда муносиб ҳимоя қиладиган кўплаб спортчилар етишиб чиқаётди.

Бундай ёшлар Тошкент вилоятида ҳам бисёр. Хусусан, 2003—2009 йилларда вилоят спортчиларининг 510 нафари халқаро мусобақаларга қатнашган бўлса, кейинги икки йил давомида 750 нафарага яқин йигит-қиз ана шундай беллашувларда юртимиз шарафини ҳимоя қилди. Уларнинг барчаси уч босқичли спорт мусобақаларида кашф этилган истеъдодлардир.

Бинобарин, спортда осонликча зафар қучилмайди. Соҳа инфратузилмасини замон талабларига мос равишда шакллантириб, спортчи ёшлар учун зарур шарт-шароитлар яратиб беришга муҳим пойдевор ҳисобланади. Айтиш керакки, Тошкент вилоятида бунга алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Хусусан, биргина ўтган йили 6 та умумтаълим мактабида янги спорт зали, 3 та замонавий болалар спорт майдончаси қурилди. Иккита сузиш ҳавзаси капитал таъмирдан чиқарилди. Ушбу мақсадлар учун салкам 2 миллиард сўм миқдорда маблағ сарфланди. Жорий йилда бу каби эзгу ишларнинг салмоғи бундан-да юқори бўлади.

Ғайрат ШЕРАЛИЕВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

• Реклама ва эълонлар •

## «CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ

очик аукцион савдосига таклиф этади!

«Capital Realtor Group» МЧЖ 2012 йил 15 май куни соат 11.00 да объект бошлангич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига: Серели тумани суд ижрочилири бўлими томонидан, Тошкент шаҳар ҳўжалик сўдининг 2011 йил 17 январдаги 1021/6455-сонли ижро варақасига асосан қатланган, «TOSHKENT GO SHT» МЧЖга тегишли, Тошкент шаҳри, Серели тумани, Олтин водий 2-берк кўчаси, 59-уйда жойлашган, умумий майдони 19 992 кв.м., А — мамыруий бино, Б — лаборотория, В — қисловоск, Г — кушона, Д — гўшти қайта ишлаш, Е — подстанция, Ж — насосхона, оғборхона блок биноларидан иборат бино ва иншоотлар савдога қўйилди.

**Бошлангич нархи — 798 615 000 сўм.**

Талабгорлар диққатига! Ушбу аукцион савдосида сотилмаган қўчмас мулкнинг такрорий очик аукцион савдоси 2012 йил 30 май куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Мазкур қўчмас мулк объекти билан тегишли суд ижрочилири бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошлангичи бир кун қолганда соат 17.00 тўхталилади.

Аукцион савдосида қатнашиб истагидаги талабгорлар объект бошлангич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закатат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, савдо ташкилотчиси — «Capital Realtor Group» МЧЖнинг «Капиталбанк» ОАТБ Мирзо Улугбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204927571003, МФО: 01018, СТИР: 207126662.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Қўшбеги кўчаси, 18-уй. Телефон: (8-371) 250-19-24. Лицензия: RR-0017.

## Муҳтарам юртдошлар! Сиз учун имконият!

«КО'СНМАС МУЛК САВДО ХИЗМАТИ» МЧЖ сизларга мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча турдаги кўчмас мулкларни, хусусан, ишлаб чиқаришга доир бино-иншоотлар ва тураржой биноларини оммавий савдога чиқаришда маслаҳат-консалтинг хизматларини кўрсатади ҳамда савдоларни қўнуний ва сифатли ташкил этишда амалий ёрдам беради.

Кўрсатилаётган хизматлар «КО'СНМАС МУЛК САВДО ХИЗМАТИ» МЧЖнинг кўп йиллик таърибага эга, малакали мутахассислари томонидан амалга оширилади.

«КО'СНМАС МУЛК САВДО ХИЗМАТИ» МЧЖ сизнинг ишончли ҳамкорингиз бўлишни қафолатлаймиз.

## «ТОШКЕНТ ТРУБА ЗАВОДИ» ҚҚ

ўзида ишлаб чиқарилган маҳсулотни сотади. (ҚҚС билан)

«Тошкент труба заводи» ҚҚ сизга шуни маълум қиладики, бизнинг корхона «API-5L» стандарти бўйича Ø325, Ø377, Ø426, Ø530, Ø630, Ø720, Ø820, Ø920, Ø1020, Ø1220, Ø1420, Ø1620 мм.гача, деворининг қалинлиги 6,0 — 24,0 мм. бўлган, электрпайвандланган, спирал чокли қувурлар ишлаб чиқаришни ўзлаштирди.

Қувурлар Х42 мустаҳкамлик гуруҳи бўйича ишлаб чиқарилади. Қувурлар 3845-65 ГОСТ бўйича гидравлик босимда синовдан ўтказилган.

Баҳоси — 1 тонна учун 9 950 000 сўм. Тўлов пул ўтказиш йўли билан. 2012 йилдаги эҳтиёжни йил чоракларига бўлиб беришингизни сўраймиз.

Телефонлар: (8-371) 241-31-72, 241-29-94. Факс: (8-371) 241-31-94.

## «ХАЛҚ СЎЗИ» ЭЪЛОНЛАР

9.00 дан 18.00 гача  
232-11-15,  
236-09-25.  
E-mail: reklama@xs.uz

«Ўзлугуржисавдоинвест» ушмаси жамоаси «Халқ истеъмоли моллари кўрғазма ярмарка савдоси республика маркази» ЁАЖ раиси Шухрат Абдуллаевга акаси Лутфулла АБДУЛЛАЕВнинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.



# КУЧ — БИЛИМ ВА ТАФАККУРДА

## 2011/2012 ўқув йили учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат стипендиялари танлови ғолиблари

### Бакалаврият таълим йўналишлари бўйича

**Матякубов Жасурбек Бахтияр ўғли**  
(Қишлоқ ва сув ҳўжалиги таълим йўналишлари бўйича)



1990 йил 28 январда Хоразм вилоятида туғилган. Тошкент ирригация ва мелиорация институтини "Сув ҳўжалиги ва мелиорация" таълим йўналиши 4-курс талабаси. Ўқишдаги муваффақиятлари билан бир қаторда, республика ва институт миқёсидаги фан олимпиадалари ва танловларда фаол иштирок этиб келмоқда. 2011 йилда Ўзбекистон Республикаси талабаларининг фан олимпиадаси Республика босқичида гидравлика фанидан биринчи ўринни эгаллаган. 2010/2011 ўқув йилида Беруний номи Давлат стипендияси совриндори бўлган. Инглиз тилида эркин сўзлашади. Хозирги вақтда "Хоразм вилоятида қишлоқ ҳўжалиги экинларидан юқори ва барқарор ҳосил олишда тежамкор суғориш технологияларини жорий қилиш" мавзусида изланишлар олиб бормоқда.

**Шукуров Жаҳонгир Саъдулла ўғли**  
(Техника ва информатика таълим йўналишлари бўйича)



1991 йил 14 октябрда Тошкент шаҳрида туғилган. Тошкент давлат иқтисодий университетини "Информатика ва ахборот технологиялари" таълим йўналиши 4-курс талабаси. Ўқишда эришган юқори рейтинг натижалари билан бирга, республика ва университет илмий журнал ҳамда тўпламларида ўзининг ахборот-коммуникация технологияларининг жамиятимиз иқтисодий тараққиётидаги ўрни ва ривожланишига бағишланган илмий-оммабоп мавзулардаги мақола ҳамда тезислари билан мунтазам қатнашиб келмоқда. Институтда ўтказилган жамоатчилик ишлари ва тадбирларда фаол иштирок этади. Инглиз тилида эркин сўзлашади. Шу кўнларда "Чекка хуудаларда замонавий симсиз алоқа технологияларининг ривожланиши" мавзусида тадқиқот ишлари билан банд.

**Зияев Яхё Пазлитдинович**  
(Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот таълим йўналишлари бўйича)



1988 йил 3 июнда Андижон вилоятида туғилган. Андижон давлат тиббиёт институтини "Даволаш иши" таълим йўналиши 7-курс талабаси. Республика ва институт миқёсидаги турли журналлар, илмий-амалий анжуманларда ўзининг илмий-оммабоп, долзарб мавзулардаги мақола ва тезислари билан мунтазам қатнашиб билан бир қаторда, умумхалқ байрамлари, тадбирлар ҳамда спорт мусобақаларида ҳам иқтидори ва тиришқоқлиги билан фаол иштирок этиб келмоқда. Инглиз тилида эркин сўзлашади. Хозирги кунда "Ичак тугилиши билан оғирлашган йўғон ичак саратонида жаррохлик даволашни оптимallasтириш" мавзусида изланишлар олиб бормоқда.

**Жалолов Баҳодир Бахтиёр ўғли**  
(Ижтимоий-гуманитар ва ижтимоий фанлар таълим йўналишлари бўйича)



1988 йил 13 сентябрда Тошкент шаҳрида туғилган. Тошкент давлат педагогика университети "Миллий истиклол ғояси: ҳуқуқ ва маънавият асослари" таълим йўналиши 4-курс талабаси. Республика ва университет таълим йўналиши 4-курс талабаси. Республика ва университет илмий-амалий анжуманлари, фан олимпиадалари, илмий анжуман ҳамда конференцияларда мунтазам қатнашиб келмоқда. 2010/2011 ўқув йилида Ўзбекистон Республикаси талабаларининг фан олимпиадаси Республика босқичида диншунослик фанидан фахрли иккинчи ўринни эгаллаган ва диплом билан тақдирланган. Инглиз, араб ҳамда қадимги грек тилларини ўзлаштирган. Айна вақтда "Авесто маънавиятимизнинг ўқилдиши сифатида" мавзусида тадқиқот ишлари билан шуғулланмоқда.

**Ахтямов Азизбой Эркинбоевич**  
(Хорижий тиллар таълим йўналишлари бўйича)



1990 йил 16 августда Фарғона вилоятида туғилган. Фарғона давлат университети "Филология: немис тили" таълим йўналиши 4-курс талабаси. Республика миқёсидаги фан олимпиадалари ва кўрик-танловларда фаол қатнашиб келмоқда. Жумладан, 2010 йилда немис тили фани бўйича ўтказилган Республика фан олимпиадасида фахрли иккинчи, 2011 йилда Германия элчихонаси томонидан ўтказилган "Нотиқлик санъати" танловида фахрли биринчи ўринни эгаллаган. Немис ва инглиз тилларини мукамал ўрганган. Айна вақтда "Чет тили дарсларида гуруҳ ишларини қўллаш" мавзусида изланишлар олиб бормоқда.

**Абдуллаев Сардор Атхам ўғли**  
(Бизнес ва бошқарув таълим йўналишлари бўйича)



1991 йил 25 октябрда Тошкент шаҳрида туғилган. Тошкент молия институтини "Банк иши" таълим йўналиши 4-курс талабаси. Фанларни аъло баҳоларга ўзлаштириш билан бирга, республика ва институт миқёсидаги турли илмий-амалий анжуманлар, умумхалқ байрамлари ҳамда тадбирларда ҳам ўзининг билими, иқтидори билан фаол иштирок этганлиги учун кўплаб диплом, фахрий ёрлик ва сертификатлар билан тақдирланган. Инглиз тилини мукамал ўзлаштирган. Айна вақтда "Иқтисодийнинг модернизация қилиш шароитида банк рискларини бошқаришни такомилallasтириш масалалари" мавзусида тадқиқот ишларини амалга оширмоқда.

**Шарипова Нигора Кадировна**  
(Педагогика таълим йўналишлари бўйича)



1990 йил 9 июлда Тошкент шаҳрида туғилган. Тошкент давлат педагогика университети "Педагогика ва психология" таълим йўналиши 4-курс талабаси. Ўқишда юқори рейтинг натижаларига эришганлиги билан бир қаторда, республика миқёсидаги фан олимпиадалари ва танловларда мунтазам фаол қатнашиб келмоқда. 2009 йили Рус тили фани бўйича ўтказилган Республика фан олимпиадасида биринчи ўринни, 2010, 2011 йилларда Педагогика фани бўйича фахрли иккинчи ўринни эгаллаб, диплом билан тақдирланган. Инглиз ва француз тилларини яхши ўзлаштирган. Хозирги вақтда "Умумий ўрта таълим мактаби ўқувчиларини касба йўналтиришнинг назарий масалалари" мавзусида изланишлар олиб бормоқда.

**Юлдашева Наргиза Муратбаевна**  
(Табий фанлар таълим йўналишлари бўйича)



1986 йил 25 декабрда Хоразм вилоятида туғилган. Нукус давлат педагогика институтини "Кимё ва экология" таълим йўналиши 4-курс талабаси. Ўқишда эришган юқори рейтинг натижалари билан бирга, республика ва институт илмий журнал ҳамда тўпламларида ўзининг илмий-оммабоп, долзарб мавзулардаги мақола ва тезислари билан мунтазам қатнашиб келмоқда. Институтда ўтказилган жамоатчилик ишлари ва тадбирларда фаол иштирок этади. Инглиз тилида эркин сўзлашади. Хозирги вақтда "Маҳаллий хом ашёлар ва чиқиндиларнинг кимёвий таркибини ўрганиш ва улардан силиқат материаллар тайёрлаш" мавзусида изланишлар олиб бормоқда.

**Радман Римма Фарук**  
(Маданият, санъат ва спорт таълим йўналишлари бўйича)



1990 йил 26 июлда Тошкент шаҳрида туғилган. Ўзбекистон давлат консерваторияси "Муסיқашунослик" таълим йўналиши 4-курс талабаси. Республика ва олий таълим муассасаси миқёсидаги кўрик-танловлар, илмий анжуман ва конференцияларда мунтазам қатнашиб келмоқда. Ўқишда фанларни аъло баҳоларга ўзлаштирганлиги, танловларда муваффақиятли қатнашганлиги ҳамда жамоат ишларида фаол иштирок этганлиги учун кўплаб диплом, фахрий ёрлик ва мақтов ёрликлари билан тақдирланган. Инглиз тилида эркин сўзлашади. Хозирги кунда "Муסיқа санъатининг долзарб муаммолари" мавзусида тадқиқот ишларини олиб бормоқда.


**Хамроев Элдор Отамуродович**  
(Ҳуқуқ ва ҳалқаро муносабатлар таълим йўналишлари бўйича)



1990 йил 18 ноябрда Навоий вилоятида туғилган. Тошкент давлат юридик институтини "Юриспруденция" таълим йўналиши 4-курс талабаси. Ўқишда юқори рейтинг натижаларига эришиши билан бирга, институт томонидан амалга ошириб келинаётган ҳуқуқий тарғибот-ташвиқот ишларида мунтазам равишда фаол қатнашиб келмоқда. 2011 йилда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан ўтказилган "Балли, ҳуқуқшунослар" республика кўриктанловида "Энг яхши ҳуқуқ билимдони" номинацияси ғолиби бўлган. Инглиз тилида эркин сўзлашади. Хозирги вақтда "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви демократallasтиришда парламент ислохотларининг ўрни ва зарурати" мавзусида изланишлар олиб бормоқда.

### Магистратура мутахассисликлари бўйича

**Ибрагимова Иродахон Икромовна**  
(Табий фанлар мутахассисликлари бўйича)




1988 йил 16 ноябрда Фарғона вилоятида туғилган. Ўзбекистон Миллий университети "Ядровий технологиялар" мутахассислиги 2-курс магистранти. Республика ва университет миқёсидаги фан олимпиадалари, илмий анжуман ва конференцияларда мунтазам қатнашиб келмоқда. Ўқишда фанларни аъло баҳоларга ўзлаштирганлиги, танловларда муваффақиятли қатнашганлиги ҳамда жамоат ишларида фаол иштирок этганлиги учун кўплаб диплом, фахрий ёрлик ва мақтов ёрликлари билан тақдирланган. Инглиз тилида эркин сўзлашади. Хозирги вақтда "Электроника У-003 электрон тезлаткичи нурланишидан химоя ҳисоби" мавзусидаги илмий тадқиқот ишлари билан банд.

**Носиров Хабибулло Хикматулло ўғли**  
(Техника ва информатика мутахассисликлари бўйича)




1990 йил 12 декабрда Тошкент шаҳрида туғилган. Тошкент ахборот технологиялари университетини "Рақамли телевидение ва радиосиёштириш" мутахассислиги 2-курс магистранти. Ўқишда эришган юқори натижалари билан бир қаторда, республика ва халқаро миқёсидаги илмий журнал ҳамда тўпламларда илмий-оммабоп, долзарб мавзулардаги мақола ва тезислари билан доимий равишда қатнашиб келмоқда. 2009 йили Беруний номидаги Давлат стипендияси танлови совриндори бўлган. Инглиз тилини мукамал ўзлаштирган.

**Мустафаева Муҳлиса Шомуродовна**  
(Маданият, санъат ва спорт мутахассисликлари бўйича)



1990 йил 9 январда Самарқанд вилоятида туғилган. Тошкент давлат маданият институтини "Оила ва болалар билан олиб бориладиган ижтимоий иш" мутахассислиги 2-курс магистранти. Ўқишда эришган юқори натижалари билан бир қаторда, республика ва халқаро миқёсидаги илмий журнал ҳамда тўпламларда ўзининг илмий-оммабоп, долзарб мавзулардаги мақола ва тезислари билан доимий равишда қатнашиб келмоқда. Бир неча шеърини тўпламлари чоп этилган. Инглиз тилини мукамал ўзлаштирган. Айна вақтда "Бадий хаваскорлик тўғрисида талабаларни ғоявий-эстетик тарбиялаш" мавзусида бағишланган илмий тадқиқот ишлари билан банд.


**Ризаев Эъзозбек Алимджанович**  
(Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот мутахассисликлари бўйича)



1979 йил 19 ноябрда Тошкент шаҳрида туғилган. Тошкент тиббиёт академияси "Торакал хирургия" мутахассислиги 3-курс магистранти. Республика ва академия миқёсидаги фан олимпиадалари, илмий-амалий анжуманларда мунтазам қатнашиб келмоқда. Ўқишда фанларни


аъло баҳоларга ўзлаштирганлиги, танловларда муваффақиятли қатнашганлиги ҳамда жамоат ишларида фаол иштирок этиб келаётганлиги учун кўплаб диплом, фахрий ёрлик ва мақтов ёрликлари билан тақдирланган. Инглиз тилини мукамал билади. Хозирги кунда "Трахеянинг чандиқли тораийшини даволашда замонавий эндохирургик усуллар" мавзусига бағишланган илмий изланишлар олиб бораёпти.

**Сулаймонова Хулқаро Мўминжоновна**  
(Ижтимоий-гуманитар ва ижтимоий фанлар мутахассисликлари бўйича)



1988 йил 17 февралда Наманган вилоятида туғилган. Тошкент давлат шарқшунослик институтини "Адабиётшунослик" мутахассислиги 2-курс магистранти. Фанлардан аъло баҳоларга ўқиши билан бирга, республика ва институт миқёсида ўтказилган илмий-амалий анжуманларда, кўрик-танловларда ҳам фаол қатнашади. 2006 йилда Ўзбекистон Республикаси Зулфия номидаги Давлат стипендияси совриндори бўлган. Инглиз тилида эркин сўзлашади. Айна вақтда "Миср шоири Фаруқ Жувайда шеърини замон ва қаҳрамон концепцияси" мавзусида илмий тадқиқот ишлари билан банд.


**Шомаҳмудова Ситора Шорасулновна**  
(Бизнес ва бошқарув мутахассисликлари бўйича)



1987 йил 19 февралда Тошкент шаҳрида туғилган. Тошкент молия институтини "Халқаро банк иши" мутахассислиги 2-курс магистранти. Ўқишда эришган юқори рейтинг натижалари билан бирга, хориж ва республика илмий журнал ҳамда тўпламларида ўзининг илмий-оммабоп, долзарб мавзулардаги мақола ва тезислари билан мунтазам қатнашиб келмоқда. Институтда ўтказилган жамоатчи-


лик ишлари ва тадбирларда фаол иштирок этади. Инглиз ва корейс тилларини ўзлаштирган. Хозирги кунда "Активларни секюритизациялаш — жаҳон молия бозорининг муҳим ва истиқболли механизмлари билан" мавзусига бағишланган илмий изланишлар олиб бораёпти.

**Алланазарова Хафиза Уктамжоновна**  
(Хорижий тиллар мутахассисликлари бўйича)



1989 йил 15 майда Сирдарё вилоятида туғилган. Ўзбекистон Миллий университети Лингвистика (инглиз тили) мутахассислиги 2-курс магистранти. Фанларни аъло баҳоларга ўзлаштириши билан бир қаторда, республика ва университет миқёсидаги илмий анжуманларда илмий-оммабоп мақола ҳамда тезислари билан мунтазам қатнашиб келмоқда. Университетда ўтказилган жамоатчилик ишлари ва тадбирларда фаол иштирок этади. Бир қанча машур адибларнинг ҳикояларини инглиз тилига таржима қилган. Инглиз ва француз тилларини пухта ўзлаштирган. Хозирги вақтда "Ўзбек тилидан инглиз тилига бадий таржимада прагматик ва герменевтик аспектларнинг хусусиятлари" мавзусида илмий изланишлар олиб бормоқда.


**Сафаров Жамшид Исмоилович**  
(Ҳуқуқ ва ҳалқаро муносабатлар мутахассислиги бўйича)



1985 йил 19 мартда Бухоро вилоятида туғилган. Жаҳон иқтисодий ва дипломатия университети "Халқаро ҳуқуқ" мутахассисли-

ги 2-курс магистранти. Республика миқёсида ўтказилган фан олимпиадалари ва кўрик-танловларда фаол қатнашади. 2004, 2005 йилларда "Конституциявий ҳуқуқ" фани бўйича ўтказилган Республика фан олимпиадасида биринчи ўринни эгаллаган. 2011 йилда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан ўтказилган "Балли, ҳуқуқшунослар" республика кўриктанловида "Энг яхши ҳуқуқ билимдони" номинацияси ғолиби бўлган. Инглиз тилини мукамал билади. Хозирги вақтда "Мамлакатимизда демократик ислохотларни чуқурallasтириш шароитида суд-ҳуқуқ ислохотларининг конституциявий кафолатлари" мавзусида илмий изланишлар билан банд.

**Муминова Шахноза Файзуллаевна**  
(Журналистика мутахассислиги бўйича)



1988 йил 15 февралда Тошкент шаҳрида туғилган. Ўзбекистон Миллий университети "Ноширлик иши ва тахрирлик" мутахассислиги 2-курс магистранти. Республика ва университет миқёсидаги фан олимпиадалари, илмий-амалий анжуманларда мунтазам қатнашиб келмоқда. Ўқишда фанларни аъло баҳоларга ўзлаштирганлиги, танловларда муваффақиятли қатнашганлиги ҳамда жамоат ишларида фаол иштирок этиб келаётганлиги учун кўплаб диплом, фахрий ёрлик ва мақтов ёрликлари билан тақдирланган. Инглиз тилида эркин сўзлашади. Хозирги кунда "Ўзбекистон оммавий ахборот воситалари тили маданиятининг ахлоқий жиҳатлари" мавзусига бағишланган илмий тадқиқот ишларини олиб бормоқда.

**Халқ сўзи**  
Народное слово

**МУАССИСЛАР:**  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонуқчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

**Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ**

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 454. 92 213 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:  
Девонхона 233-52-55;  
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.  
Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.

**• МАНЗИЛИМИЗ:**  
100000,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.  
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.  
Навбатчи муҳаррир — У. Файзиёва.  
Навбатчи — С. Махсумов.  
Мусоҳаҳчи — Ш. Машраббоев.